



Тавҳид асрори (Фано ибрати)



Нишопур якинидаги Шодях шаҳри. Шаҳарнинг серкатнов кўчаларидан бирида озода ва шинам бир бино жойлашган. Бинонинг олдидан ўтган одамнинг димогига хушбўй хидлар урилади, беихтиёр ичкарига кириб, бирпас хордигини ёзгиси, чиройли безатилган токча ва рафлардаги дориворлар, мушку анбар, занжабилу сунбул, сандалу кофурлар ва бошка ёкимли атриётлардан харид килгиси келади. Шодях аҳолисигина эмас, балки атроф-жавонибдаги кишлок-шаҳарлардан ҳам бу ерга хожатмандлар келадилар, шифобахш дори-дармонлар сотиб оладилар. Дўкон соҳиби Иброҳим художўй ва софдил инсон эди. У атторлик касбини халол бажарар, узок шаҳарларга сафар килиб, ноёб

дорилар ва кимматбахо атир-упалар олиб келиб сотар, бу касбидан одамлар хам, ўзи хам барака топарди. Хуллас, обрў-эътибори жойида эди. Иброхим вафот этгандан кейин атторлик касби ўгли Мухаммадга мерос колди. Нишопур мадрасаларида тахсил олиб саводли бўлган, шеърлар ёзиб, огизга тушиб колган Мухаммад ота касбига хам ихлос билан киришди, дўконни тартибга солиб, савдони ривожлантириш тараддудига тушди. Бир куни дўкон ёнидан жулдир кийимли бир девона дарвеш ўтди. У гоҳ дўконга ва унинг лик тўла тоқчаларию кизгин бораётган савдосига, гоҳ тўрда савлат тўкиб ўтириб, хизматкорлар ишини кузатаётган дўкон эгаси Мухаммадга караб, баъзан кулиб, баъзан охтортиб йигларди. Девона охири, “шайъуллох” — худо йўлига садака килинг, деб овоз чикарди. Мухаммад унга парво килмади. Шунда дарвеш айтди:

— Эй хожа, не навъ ўлгунгдур?

Мухаммад жавоб берди:

— Сен кандай ўлсанг, мен хам шундай ўлгумдир!

Дарвеш деди:

— Йўк, сен ундай ўла олмассан.

Мухаммад сўради:

— Не учун?

Дарвеш деди:

— Шунинг учунким, менинг юким енгил, курук танам ва уни беркитган жанда хиркадан ўзга нарсам йўк. Менинг бу дунё дўконини тарк этишим осон. Аммо сенинг юкинг огир: хашаматли иморатинг, мол тўла дўконинг, зар тўла хамёнинг, хизматкор-гуломларинг бор. Шунча юк билан манзилга кандай етиб борасан? Ўз ишининг чорасини кил, мен эса мана бундай ўламан. — Дарвеш шундай дедию, белидаги ковок качкулини бо-шининг остига кўйиб жон берди. Мухаммад хайратдан лол бўлиб колди. Аста-секин дўкон олдида одам йигилди. Барча худонинг кароматини кўриб, кўзларига ёш олдилар. Мухаммаднинг ахволи мутлак ўзгарди, дарвешнинг ўлими унга каттиктаъсир этган эди. У сохибкаронат дарвешни иззат-эҳтиром билан кўмди, сўнгра хизматкор ва гуломлари, кариндош-уруглари йигиб, бор мулкени уларга бўлиб берди-да, улар билан хайр-хўшлашиб Шодяхни тарк этди. Атторлик номи касбини эслатиб турар, лекин энди бу ном унинг шоирлик тахаллусига айланди. Энди у одамларнинг вужуд-аъзолари учун эмас, балки калблари учун дори-дармон излаш, илохий илмларни эгаллаган ориф мардлар даргохидан хушбўйликлар кидиришга тушган эди.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафахот ул-унс” асарида келтирилишича, Аттор дарвешликхиркасини Шайх Маждиддин Багдодий кўлидан кийган. Маждиддин Багдодий шайх Нажмиддин Кубро халифаларидандир. Аммо Давлатшоҳ Самаркандий маълумотида кўра, Аттор хиркани Маждид-дин Багдодий кўлидан олган бўлса хам, тарикат сулукида Шайх Рукниддин муриди хисобланади.

Мухаммад Шодяхдан чикиб кетгач, Нишопурга бориб, Шайх Рукниддин хонакосида мужоҳидат ва риёзат билан машгул бўлади. Етти йил Шайх Рукниддин муридлари сафида тарикатни ўтагач, Маккаи мунавварага хажга сафар килади. Миср, Ирок, Шом шаҳарларини кезиб чиқади, кўп бузургворларнинг сужбатини олади, сўфий шайхларининг китоблари, хаётини берилиб ўрганади. Давлатшоҳнинг айтишича, Аттор умр бўйи сурункали меҳнат килиб, сўфия хикоялари ва машойих ривоятларини йигди, “хеч ким бунчалик маълумот, рамзу ишорат ва хакойик дакойик” сўзларни жамламаган эди.

Аттор бу ривоят ва хикматларни шунчаки йигиш билан чекланмади, балки ўзининг

оламшумул дostonларида фойдаланиб, ирфон гояларини кайнок бир эхтирос билан тараннум этди. Натижада, у тарикатнинг йирик пешволаридан бирига айланди, сўфий шоир сифатида Шодярдан чикиб кетган одам “Фаридиддин” (Диннинг яго-наси), “Шайх” деган шарафли унвонларга эга бўлди. Энди уни Мухаммад Фаридиддин ибн Иброхим Шайх Аттори Нишопурий деб улуглар эдилар. Шеърлари эса илохий маърифат гояларининг битмас-туганмас хазинаси бўлиб, Хак ва Хакикат асрорини кашф этиш, Мутлак рух билан Кудсий комил инсон рухи орасидаги муносабат ва мохиятни англаб етишга хидоят этувчи буюк бир даъватнома-дай жаранглаб, ташна калбларда мукаддас Ишк оловини ёкиб келди. Шу боис хазрати Мавлави Жомий Фаридиддин Атторни улуглаб, “Унинг маснавиёти ва газалларида тавхид асрори ва рух завкияти билан вужудият хакикати шу қадар кўп ифодаланганки, бу тоифанинг ҳеч бирининг сўзида топилмайди” деса, хазрат Алишер Навоий “Махбубул кулуб” асарида шоирларни мартабаларига караб тасниф этар экан, Шайх Атторни пайгамбарона валийлик ва вахийлик неъматидан бахраманд, “мақсадлари назмдан асрори илохий адоси ва маърифати номутаннохий (туганмас) имлосидан ўзга” бўлмаган шариф зотларнинг сардафтари сифатида тилга олади. Давлатшоҳ эса атторни “султонул орифин”, яъни орифлар султони деб улуглар экан, яна кўшиб кўяди: “У шариату тарикатда ягона, шавк ва ниёзмандлик, ўртаниш-ёнишдан шамъи замона, ирфон денгизига чўмган ва хакикат дарёсига шўнгиб, дурлар терган” кишидир.

Кўп шайхлар сингари Фаридиддин Атторнинг хаёти ҳам ривоят ва афсоналарга йўгрилган. Унинг тугилган йилини биров 1119 йил деса, биров 1136 йил дейди. Яна бошқа манбаларда 1145 йил кўрсатилган. Тугилган жойи Нишопур яқинидаги Кадикон кишлоги. Шуниси аниқки, Аттор узоқумр кўради. Жомий ва Давлатшоҳшоир 114 йил яшаган деб кайд этадилар. Умрининг охириги йилларини у асосан она шахри Нишопурда ўтказган. Баъзан олимлар Атторни уйланган ва фарзанди ҳам бўлган деб ёзадилар. Шоир гоҳ расмий дин арбоблари, гоҳ сунний мутаассиблар таъкибига ҳам учрайди. Чунончи, “Мазхарул ажойиб” (Мўъжизаларнинг кўриниши) номли асарида Аттор тўртинчи халифа Али ибн Абутолибни мадх этади, асарда шиачилик рухи сезилиб тургани учун у Нишопур суннийларига ёкмайди. Улар шоирни кофирликда айблаб, мол-мулкни тортиб олиб, ўзини шаҳардан бадарга киладилар. Аттор бир канча вақтлар горларда, хонако ва работларда кун ўтказди. Жалолиддин Румий отаси билан Балхдан чикиб, хажга бораётганда йўлда Шайх Атторни учратади. Дейдиларки, Аттор боланинг келажакда буюк инсон бўлишини башорат қилиб, унга ўзининг “Асрорнома” дostonини хадя этган. Бу асарни Румий хар доим ўзи билан бирга олиб юрган ва Атторни ўзининг устозларидан бири деб хисоблаган. Румий эътирофи:

Гирди Аттор гашт Мавлоно,  
Шарбат аз дасти Шамс будаш нўш.

(Мавлоно Аттор атрофида айланиб юрди, аммо шарбатни Шамсиддин Табризий кўлидан ичди).

Атторнинг ўлими ҳам фожиали содир бўлган. У ўз ажали билан ўлган эмас, балки лаънати мўгуллар кўлидан халок бўлган. Мўгуллар балоказодай Эрон ерларини талайдилар, шаҳарларни ёндирадилар, китобларни куйдирадилар, уламоларни катор қилиб сўядилар. Хар бир мўгул аскарни кўлига тушган нарсани ўмариб кетар, истаган одамни асир қилиб, кул сифатида сотар ёки қилич билан чопиб ташлар эди. Ривоят

киладиларким, бир мўгул аскари Атторни асир килиб олиб, боглаб, судраб борарди. Йўлда шоирни танийдиган бир одам учраб қолади. У шоирга раҳми келиб, мўгулга қараб: кулингни менга сотгин, минг динор бераман, дейди. Мўгул рози бўлиб турганда, Аттор: бу кам, сотма, мен қимматман, деб айтади. Мўгул минг динорга бермай, яна судраб кетади. Йўлда бошқа бир одам учраб қолади. Мўгул ўз “молини” унга таклиф этади. У одам: майли, розиман, бир қоп сомон бераман, дейди. Шунда Аттор мўгулга қараб, тезда рози бўлгин, мен бундан ортиққа арзимайман, дейди. Жаҳли чиққан бадбахт мўгул шоирни шу захотиёқ қилич билан чоғиб ташлайди. Дунёни илохий сўз билан тўлдирган, маънолар қошифи улуг шайх Фаридиддин Аттор ана шу тариқа қофир мўгул қўлида шаҳид бўлиб, ўзи интилган парвардигор ҳузурига йўл олди.

Бу воқеа хижрий олти юзу йигирма беш, мелодий бир минг икки юз йигирма тўққизинчи йилда содир бўлган эди. Атторнинг жасадини Нишопурга олиб келиб дафн этадилар. Унинг қабри устига чоғроққина макбара қурилади. Ўн бешинчи асрга келиб, макбара харобага айланади, буни эшитган Алишер Навоий Шайх Аттор сағанасини янғидан тиклаб, салобатли бир макбара қурдиради. Давлатшоҳнинг гувоҳлик беришича, Аттор мазори Нишопурнинг улуг зиёратгоҳига айлангандир.

Аттор сермахсул шоир, ундан катта адабий мерос қолган. Давлатшоҳ “Тазкиратуш шуаро” китобида Атторнинг шеърий асарлари умумий ҳажмини икки юз эллик минг байтга яқин деб қўрсатади. “Илохийнома”, “Асрорнома”, “Мусибатнома”, “Хайдарнома”, “Мазхарул ажойиб”, “Жавхаруз зот”, “Хайлож”, “Мухторнома”, “Хусравнома”, “Шархул қалб”, “Мантукут тайр”, “Булбулнома”, “Уштурнома” номли дostonлардан ташқари, Аттор тариқат шайхлари ҳаётига оид “Тазкиратул авлиё” номли насрий асар ҳамда газал ва қасидалардан тузилган катта девон мерос қолдирган. Аттор — илохий ишқ қуйчиси, тавҳид илмини шеърий тил ила тафсири этган зот. “Шоирлик унинг қасби — шеваси эмас эди, — деб ёзади Давлатшоҳ, — балки унинг сўзи гайб асрорининг юзага келиши, зухурротидир. Сўфия ҳақойиқу дақойиқлари, ишорат ва рамзларини ҳеч қим Шайх Аттор қаби идрок этолмаган”.

Дарҳақиқат, Фаридиддин Атторнинг шеъриятида санъатбозлик, атайлаб сўз маҳоратини намойиш этишга ружу йўқ. Унинг сўзи содда ва раван, аммо ёниқ, хароратли. Ў такрор ва қайтариқларга ҳам йўл қўяди, “эзмалик” ҳам қилади. Бироқ қирғоқларига сапчиган бу жўшқин шеърият дарёсига шўнгисангиз, хайратдан лол қоласиз. Қўз олдингизда илохий илҳомнинг мўъжизалари намоен бўлади. Бунчалиқ изхори дард, изтироб ва ёниш лаззатидан сармаст бўлиб қуйлаш иштиёқи, нурга талпиниб, нурла йўгрилиб, нурланиб порлаш шодлиги, хаяжон ва завқтошқини! Шоирнинг ҳар бир байти валий бир инсоннинг гайбдан мужда етказувчи табарруқ сўзи, ўтли нидосидир. Шу учун бўлса керак, улуг Навоий “Лисонут тайр” асарида устоз Атторни ўт ичида тугилиб, илохий ишқни ёниб қуйлаш шиддатидан олов чиқариб, атрофга аланга таратадиган ва ўзи ҳам шу оловга қўшилиб ёниб кетадиган афсонавий қанус қушига ўхшатади (Навоийнинг ўзида шу олов ақлидандир).

Гоят ажойиб ва муносиб ташбех! Фаридиддин Аттор ҳақиқатан ҳам умр бўйи пок илохий ишқни қуйлаб ўтди ва оламнинг моҳиятини, инсоний моҳиятларни қидириб, саодатга ҳидоят этувчи оламжаҳон ҳикматлар яратди, софлик ва садокат рамзи бўлган қатор тимсоллар — образларни бунёд этди.

Нажмиддин Қомиловнинг  
“Тасаввуф” китобидан

